

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЖИЕВА ГУЛБАҲОР НОМОЗОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИНИ “ТИЛ ВА МАЪНАВИЯТ
МУШТАРАКЛИГИ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ
МАСАЛАЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on
Philological Sciences**

Тожиева Гулбахор Номозовна

Ўзбек тилини “тил ва маънавият муштараклиги” тамойили асосида тадқиқ қилиш масалалари..... 5

Tojjeva Gulbakhor Nomozovna

Issues of studying the Uzbek language based on the principle of «commonality of language and spirituality..... 30

Таджиева Гулбахор Номозовна

Вопросы исследования узбекского языка на основе принципа “Общности языка и духовности”..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЖИЕВА ГУЛБАҲОР НОМОЗОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИНИ “ТИЛ ВА МАЪНАВИЯТ
МУШТАРАКЛИГИ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ
МАСАЛАЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Fil283 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетидеда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Қарши давлат университети веб-саҳифасида (www.qarshi.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пардаев Азамат Бахронович
филология фанлари доктори, профессор

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Маматов Абдуғафур Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи бир марталик PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz.). Қарши давлат университети, Педагогика факультети биноси, 301-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел. (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; g-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди (2021 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н. Шодмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Т.Джумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д. (DSc)

Х. Жабборов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё ҳамжамиятида ўтган аср охирларидан бошлаб миллий ўзлигини сақлаб қолишга интилаётган ҳар бир халқ учун маънавий масаласи алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Бугунги глобаллашув даврида жамиятни, биринчи навбатда, ёшларни мафкуравий ва ғоявий жиҳатдан муҳофаза этиш инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Шу сабабли жаҳон тилшунослигида «маънавийт», «ғоя» тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини тўғри ва аниқ изоҳлаш бўйича кўплаб назарий ва амалий ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур тушунчаларнинг лисоний тизимдаги ўрнини аниқламасдан туриб мафкуравий ва маънавий-маърифий ишларни яхлит система сифатида идрок этиш мумкин эмас. Хусусан, «маънавийт», «ғоя» тушунчаларининг тил тизимидаги микро ва макросистемаларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда шахс маънавий сифатлари ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни масаласини аниқлаш ҳамда маънавий-маърифий лексиканинг лисоний табиатини очиб бериш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, «маънавийт», «ғоя» тушунчаларини ифодаловчи бирликларнинг семантик муносабатларини тиклаш, бу семантик муносабатларни ҳосил қилувчи унсурларни аниқлаш, атов бирликларининг семантик ва парадигматик муносабатлари асосида ётувчи лисоний зиддиятларини лисон ва нутқ дихотомияси тамойиллари асосида тавсифлаш ва бу соҳадаги мавжуд назарий қарашларни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда бугунги кунда шахс маънавияти тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими ишлаб чиқилмоқда. «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга. Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавийдир. Миллий қадриятларимизни янада ривожлантириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини ошириш билан боғлиқ вазифалар доимий кун тартибимизда туради»¹. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, миллий маънавийтни акс эттириш имкониятларини аниқлаш, шахс маънавий сифатларини ифодаловчи бирликларни семантик-структур, концептуал ҳамда лексикографик аспектда очиб бериш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи / Янги Ўзбекистон, 2021 йил 7 ноябрь. №223 (479).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”, 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида», 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.² Тилшунослик маънавият ҳамда фикр мантикий қурилишининг тил структур хусусиятлари билан боғлиқлиги ва лингвокультурологик муаммолар, лингвистик антропология муаммолари юзасидан дунёнинг қатор илмий тадқиқот марказлари ва муассаларида, хусусан, Yale University (АҚШ, Коннектикут), International Association of University Professors of English (Нью-Йорк), University of Birmingham (Буюк Британия), Rheinische Friedrich-Wilhelms-Universität Bonn (Германия), Deutsche Gesellschaft für Sprachwissenschaft, DGfS (Германия), А.С.Пушкин номидаги рус тили давлат институти (Россия Федерацияси), Санкт Петербург давлат университети (Россия Федерацияси), Москва лингвистика университети (Россия Федерацияси)да тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда лингвокультурологик ва социолингвистик тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан, лингвистик нисбийлик гипотезаси ва коммуникатив компетенция шартлари ишлаб чиқилган (АҚШ), тилнинг маданиятлараро коммуникациядаги ўрни белгилаб берилган (РФ), шахсинг маънавий

²Мазкур қисмни ёзишда қуйидаги манбаларга асосланилди: [https://ru.wikipedia.org/wiki/ Боннский университет](https://ru.wikipedia.org/wiki/Боннский_университет); [https://ru.wikipedia.org/wiki/ Немецкое общество языкознания](https://ru.wikipedia.org/wiki/Немецкое_общество_языкознания) ; Уорф Б. Отношение норм мышления к языку // Новое в лингвистике. Вып. 1.М., 1960; Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М., 1993.; Lee, J.A. The colors of love: An expolaration of the ways of loving. Don mills (Ontario): New Press, 1973.; Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. – М., 1997. -184 с.; Базарова Л.В. к вопросу о соотношении языка и культуры (Образование и культура России в изменяющемся мире). – Новосибирск, 2007. – С. 72-76.; Savignon S.J., Sysoyev P.V. Sociocultural strategies for a dialogue of cultures // The Modern Language Journal. 2002. № 86 (4); Воробьев В. В. Лингвокультурология (теория и методы). – М., 1997. 87 с.; Вейсгербер, Й. Л. Язык и философия // Вопросы языкознания. – 1993. – №2; Карасик В. И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. - Волгоград, 2002. С-114.

шаклланишида тилнинг ўрни ҳамда тил ва маънавиятнинг ўзаро алоқадорлиги, яъни тил категорияларининг тафаккурда акс этиши очиб берилган (РФ), ижтимоий лингвистикага асос солинган ва тил дефицити гипотезаси (гипотеза языкового дефицита) ишлаб чиқилган (АҚШ), шахснинг дунёни англаш қобилияти ва тил муштараклиги масалалари ўрганилган (Германия).

Дунё тилшунослигида тил ва маънавият муштараклиги муаммоларининг ечими борасида қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тилнинг ижтимоий аҳамияти, тил ўрганишнинг миллий маънавий тараққиётдаги ўрни, тилларнинг семантик сфералари, поликультур жамиятда тил ва маданиятлар уйғунлиги муаммолари, миллий характер ва миллий маънавиятнинг таркиб топишида тилнинг ўрни, психолингвистика, социолингвистика ва лингвистик антропология соҳаларини ривожлантириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида маънавият муаммосига бағишланган қатор тадқиқотлар мавжуд, бу соҳада ҳатто луғатлар ҳам чоп этилган. Жаҳон тилшунослигида “spirituality” атамасининг моҳиятини ўрганишга доир инглиз тадқиқотчилари Л.Л.Ньюман, Р.Таньи, М.Мулдонн, В.Хилл, Д.Хав³ларнинг ишлари эътиборга лойиқ. Рус тилшунослигида Т.П.Гаак, С.М.Коннова К.А.Колкунова, Т.В.Малевиц, Т.Г.Огородникова⁴ кабилар “духовность” атамасининг тилшунослик, адабиётдаги ўрни ва ўрганилиши борасида тадқиқот олиб боришган.

Ўзбек тилшунослигида маънавият тушунчаларини ифодаловчи атов бирлиги фалсафий-гносеологик аспектда кенг ўрганилмоқда. Бу борада қисқа давр мобайнида бир қанча асарлар юзага келди, илмий-назарий ва амалий анжуманлар ташкил этилди. Шунингдек, филологик йўналишда махсус тадқиқотлар бажарилган⁵, мақолалар ёзилган⁶, луғатлар тузилган⁷.

³Newman L.L. Faith, Spirituality, and Religion: A Model for Understanding the Differences. The college of student affairs journal, volume 23, number 2, 2004, – P. 110. – P.102. ; Tanyi R. Nursing theory and concept development or analysis. Towards clarification of the meaning of spirituality. – Blackwell Science Ltd, Journal of Advanced Nursing, EBSCO Publishing, 2002. – P 509. – P. 500. ; Muldoon M.; King, N. Spirituality, health care, and bioethics. – J. Relig. Health, 1995, – P 34.; Hill V. Spiritual development in the Education Reform Act: A source of acrimony, apathy or accord. Brit. J. Educ. Stud. 1989, – P. 182. – P. 37.; Hay D.; Reich, K.H.; Utsch, M. Spiritual development: Intersections and divergence with religious development. In The Handbook of Spiritual Development in Childhood and Adolescence Roehlkepartain, E.C., King, P.E., Wagener, L.M., Benson, P.L., Eds.; Sage Publications: Thousand Oaks, CA, USA, 2006 – P.59. – P.44.

⁴Гаак Т.П., Коннова С.М. Рассуждения о духовности: филологический аспект. – Вестник ОГУ № 11, 2012. 173-182; Колкунова К.А., Малевиц Т.В. Понятие “духовность” в современной Российской литературе. Вестник ПСТГУ. Богословие. Философия. 2014. Вып.6.–С.72-88; Огородникова Т.Г. Понятие «духовность». Сравнительный анализ представлений о духовности у людей с высшим и средним профессиональным образованием//Вестник Ленинградского государственного университета им. А.С.Пушкина. 2011.Т.5.№2. – С.21.

⁵Давурбоева Н.А. Фитрат драмаларида миллий озодлик ғоясининг талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1988; Мамашукуров Ж.А. Ўзбек тилининг давлат тили сифатида ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий асослари: Фалс. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Загыртдинова Ф.Б. Повышение функциональной грамотности населения как фактор укрепления независимости Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1999; Тошбоев О.Ш. Миллий истиклол мафкурасининг шаклланишида матбуотнинг ўрни: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2000; Тўрахожаева А.Х. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012.

Тилшунос Б.Менглиев мақолаларида бугунги кунда лингвомаънавиятшуносликда маънавият муаммоси, шахсинг маънавий такомиллашуви масаласи ҳар қачонгидан ҳам кўра долзарб эканлигини таъкидлаб ўтади⁸. Тадқиқотчи Ю.Н.Ҳожиев “Алпомиш” достонида қўлланган шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларини лингвистик ва лингвомаънавий тадқиқ қилди⁹. Айнан ушбу муаммо типологик аспектда тадқиқотчи М.Б.Аҳмедова томонидан махсус тадқиқ этилган¹⁰. Бу тадқиқотларда мавзунинг умумий кирралари ёритиб берилган бўлса-да, шахс маънавиятини ифодаловчи бирликлар лингвистик аспектда ва монографик йўсинда махсус тадқиқ этадиган қамровли тадқиқот вужудга келганича йўқ.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тили бирликларининг функционал прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспектда)” мавзуси (2017-2021) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилини “тил ва маънавият муштарақлиги” тамойили асосида тадқиқ қилиш масалаларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги асрда маънавий-маърифий ҳолат ва тил лексикасидаги ўзгаришларни очиб бериш;

ўзбек тилини “тил ва маънавият муштарақлиги” тамойили асосида тадқиқ қилиш омилларини аниқлаш;

ўзбек тилида шахс маънавиятини ифодаловчи лексемалар, мақоллар, иборалар таснифини кўрсатиб бериш;

“маънавият” лисоний категорияси ва унинг таркибини аниқлаш;

шахс маънавиятини ифодаловчи бирликларининг генетик ва структур хусусиятларини очиб бериш;

ўзбек тилидаги шахс маънавиятини ифодаловчи воситалар лексикографик талқинини такомиллаштириш;

ўзбек ўқув луғатларида шахс маънавиятини ифодаловчи воситаларни тавсифлаш муаммолари ечимини таъминлаш.

⁶Жумаҳўжа Н. Юксак маънавият белгиси // Халқ сўзи. – Тошкент, 1997. – 5 ноябрь; Маҳмудов Н. Миллий мафкура ва она тили // Халқ сўзи. – Тошкент, 2000. – 13 июнь; Қосимов Б. Жадидлар ва миллий мафкура // Тафаккур. – Тошкент, 2000. – № 3. – Б. 28–32; Йўлдошев Қ. Миллий ғоя ва адабий таълим // Ўзбекистон овози. – Тошкент, 2000. – 21 декабрь.

⁷Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Тошкент: Шарқ, 2000; Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалари луғати. Тошкент: Академия, 2007; Ҳозиев С., Ибрагимова Г. Маънавият луғати. Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007; Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати: – Тошкент: Академия, 2009; Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Фафур Ғулом, 2013.

⁸Менглиев Б.Р. Тил бағридаги маънавият: лингвомаънавиятшунослик ва унинг истиқболлари ҳақида // “Маърифат”, 2018 йил, апрель; Тараққиёт ва маънавият // Маърифат, 2018 йил, 8 январь.

⁹Ҳожиев Ю.Н. “Алпомиш” достонидаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларининг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD)... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 56 б.

¹⁰Аҳмедова М.Б. Ўзбек тилидаги «маънавият» ва инглиз тилидаги «spirituality» умумий семали атов бирликлари типологияси: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD)... дисс. автореф. – Бухоро, 2019. – 49 б.

Тадқиқотнинг объектини ўзбек тилидаги “маънавият” мазмуний майдонига кирувчи бирликлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида маънавият умумий семали атов бирликларининг систем, структур, генетик, когнитив хусусиятлари ва лексикографик тавсифи муаммолари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, қиёслаш, дифференциал-семантик, компонент ва дистрибутив таҳлил, статистик, концептуал таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лингвомаънавиятшунослик юксак маънавиятли шахс тарбияси учун хизмат қиладиган илмий-амалий механизм учун муайян лингвистик таъминотни вужудга келтириши, шахс маънавияти ва маънавий салоҳиятига тегишли ҳодисаларни ўзи учун хусусийлаштириши ўзбек тилини “тил ва маънавият муштарақлиги” тамойили асосида очиб берилган;

ўзбек миллий маънавиятининг шаклланишида ислом маданияти, тасаввуф ва ўзбек мумтоз адабиётининг роли улкан даражада эканлиги сабабли бундай бирликларда арабий қатламнинг устунлиги шахс маънавиятини ифодаловчи атов бирликларнинг тарихий-этимологик, ўз ва ўзлашма қатламга оид микросистемалари таҳлили асосида далилланган;

хосланган бирикмали атов бирликлари тобе алоқали эркин бирикмалардан ўсиб чиққани учун уларда тушунчаларнинг яхлитланиши тенг алоқали бирикмаларникига нисбатан анча кучлилиги, бундай бирикмаларда маъновий ихтисослашув юқори даражада эканлиги асосланган;

ўзбек адабий тилида маънавий тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликлар кўлами катталиги, уларда халқнинг ментал дунёси ва фикрий олами ёрқин ифодаланиши, ибора ва мақоллар инсон маънавияти ва ҳаётий тутумларининг шаклланиши ва ривожда катта аҳамиятга моликлиги аниқланган;

шахс маънавиятини ифодаловчи воситаларнинг изоҳли луғат ва лингвокультурологик қомусларда берилиши лингвомаънавий моҳиятли лексема, ибора ва мақолларни тавсифлаш муаммолари ечимини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилининг “маънавият” лисоний категорияси ва унинг таркиби аниқланган;

имло, изоҳли, қомусий луғатлар яратиш ва уларнинг ички қурилмасини такомиллаштириш, луғат сўзлигини танлашда баҳсталаб ва десемантизациялашган сўзларни изоҳлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

мамлакатимизда ўзбек тилини замон талаблари асосида тараққий эттириш, унинг давлат тили мақоми даражасидаги нуфузини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг амалий давоми бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларни тавсифлаш, таснифлаш, компонент таҳлил этиш, этимологик усуллар билан асослангани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили лингвомаънавиятшунослигининг шаклланиши, шу асосда ўзбек тили лексикологияси, терминологияси, ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жамланган материаллар ва чиқарилган илмий хулосалар дарслик, ўқув-қўлланма, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, лингвомаънавиятшунослик луғатлари, имло луғатларини яратиш, синхрон ва диахрон тилшунослик фанлари бўйича бакалаврият ҳамда магистратура таълим йўналишларида махсус курслар ўтишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилини “тил ва маънавият муштараклиги” тамойили асосида тадқиқ қилиш масалалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маънавият тушунчаларини ифодаловчи бирликларнинг тил лексик системасида тутган ўрнини аниқлаш орқали уларнинг мавзувий ва маъновий гуруҳлари ажратилиб, фарқлаш ва таснифлаш асослари ишлаб чиқишига оид хулосасидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 15 ноябрдаги 17-01/215-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва қорақалпоқ адабий тили сатҳларидаги муаммолар ечимини таъминлаш вазифаларини белгилаш имконини берган;

“маънавият” умумий маъноли бирликлар тизимида шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларнинг концептуал хусусиятлари асосланганлигига оид хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 15 ноябрдаги 17-01/215-сон маълумотномаси). Натижада “маънавият” умумий маъноли бирликларнинг ўзбек ва қорақалпоқ фонетик, лексик, морфологик тизимлардаги ўрнини аниқлаш имконини берган;

шахс маънавиятини ифодаловчи воситаларнинг лексикографик талқинини келтириш, лингвокультурологик қомусий луғатда маънавият тушунчаларини ифодаловчи бирликларни тавсифлаш асосида “Ўзбек тилининг қисқача маънавият лингвокультурологик луғати” (ISBN 978-9943-10

7376-8-6) тузилган. Натижада ўзбек тилидаги “маънавий” умумий маъноли бирликларнинг қўлланилишига аниқлик киритиш ва луғатларнинг оптимал вариантларини яратиш имконини берган;

маънавий тушунчаларини ифодаловчи бирликларнинг тил лексик системасида тутган ўрнини аниқлаш орқали уларнинг мавзувий ва маъновий гуруҳлари ажратилиб, фарқлаш ва таснифлаш асослари ишлаб чиқилишига оид хулосаларидан Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг «Сўзлар жавоҳири» кўрсатуви ҳамда вилоят радиосининг «Воҳа садоси» эшиттириши сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 03 ноябрдаги 12-15/339-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттиришлар мазмунининг маърифий ва амалий жиҳатдан бойиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан, 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва шартли қисқартмалардан иборат бўлиб, 238 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, жорийланиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Муस्ताқиллик даври ўзбек тили лексикаси ҳамда унинг талқини тараққиётининг омиллари ва манбалари**” деб номланган. Боб “Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий юксалиш ва тил илми уйғунлиги”, “Ўзбек замонавий тилшунослигида адабий тил талқини давр талаби сифатида”, “Янги асрда маънавий-маърифий ҳолат ва тил лексикаси тадқиқи муаммолари”, “Янги давр ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасидаги ўзгаришлар талқини асослари” каби бўлимларни ўз ичига олган.

Фаннинг ижтимоийлиги, аввало, унинг инсонийлигида, инсон манфаатлари учун хизмат қилишида табиат ва жамиятни инсон учун қулайлаштиришида, яъни ўрганиш объектини мукаммаллаштириш ёки ундан фойдаланишни осонлаштиришда намоён бўлади.

Тилшунослик фани XIX асрдагина мустақилликка эришиб, давр талабларига ўз муаммолари доирасида муносабатда бўла бошлаганига қарамай, бошқа фанлар таркибида бўлган замонларда ҳам ижтимоий буюртма олар ва уни адо этиш билан машғул бўлар эди. Бунга ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий тараққиёт фониди кузатиш асосида амин бўлиш мумкин. Масалан, Маҳмуд Кошғарий даврида алоқа ва муомаладаги туркий қавмлар тилларининг умумий меъёрларини яратиш, шаклланаётган тилнинг умумтуркий тилдан ажралиб, мустақил ривожланиш ўзанига тушганлигини, унинг мустақил тил эканлигини кўрсатувчи фонетик, лексик-грамматик хусусиятларини ўрганиш ва илмий асослаш ижтимоий, маънавий аҳамиятга эга бўлган. Бу қорахонийлар давлатининг мафкуравий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилар эди.

Туркий тилшуносликнинг кейинги даврида Кошғарий томонидан анланган ижтимоий зарурат ва давр талаби асосида вужудга келган лингвистик амалиёт анъанаси давом эттирилди.

Ўзбек тилшунослиги тарихида XX асрнинг биринчи ярми ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш даври ҳисобланади. Ўз олдида давр талабларидан келиб чиқиб, муайян мақсадларни кўйган ўзбек тилшунослиги 50-60 йил мобайнида ўзбек адабий тили меъёрларини ишлаб чиқиш ва оммалаштиришдан иборат улкан зарурат асосида иш кўрди.

Ўтган аср сўнги чораги тилшунослиги ижтимоий зарурат ва эҳтиёж билан боғлиқ равишда ўзига хос методологик асослар ва тадқиқ усуллари билан иш кўрди. Унда тилнинг миллат мулки ва маънавий, маданий бойлигининг ифодаси ва ривожлантирувчиси, миллат яхлитлигини таъминловчи восита эканлигига урғу берилиб, тилнинг асл ҳолатини тиклаш (амалий вазифа) ва тилнинг асл ҳолатини тавсифлаш (назарий вазифа) ҳаракати устуворлашди.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослиги мислсиз тараққий этиб, тилимизнинг лексикасини ўрганиш борасида қўлга киритилган ютуқлар билан фахрланса арзигулик. Айниқса, ўзбек лексикографиясида идеографик ва лингвокультурологик луғатчиликнинг шакллана бошлаганлиги ва тараққий этаётганлиги, ўзбек тилининг миллий корпусига талабнинг кучаяётганлиги сўзларнинг семантик структурасини ана шу нуқтаи назар ва талабдан келиб чиққан ҳолда ўрганиш лозимлигини кун тартибига қўймоқда.

Ўзбек тилшунослигида лексема ва атов бирликларини луғавий-маъновий гуруҳ сифатида ўрганиш – систем тадқиқотларнинг асосий талаби. Лексемаларнинг системавий муносабати асосида улар қурилишининг тизимийлиги ва унинг мазкур гуруҳдаги ўзига хос хусусиятини очиш, лексемаларо амал қилувчи лексик-семантик муносабатларни тадқиқ қилиш, лексеманинг нутқий ва лисоний маъносини ёритиш, маъноларни воқелантиришда сатҳларо муносабат ва бошқа сатҳ бирликлари маъносини фарқлаш ҳамда нутқда воқелантиришда муайян маъновий гуруҳ лексема ва атов бирликларининг ўрни ва ролини очиш долзарб вазифалардан бири.

Мустақилликка эришган ҳамда ўзига хос тараққиёт ва ривожланиш йўлини танлаган жамиятимиз ҳаётидаги кескин бурилиш тилимизнинг лексик сатҳида катта ўзгариш ясади. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳадаги эврилишлар натижаси ўлароқ тилимизда “янги” эскирган қатлам, неологизм ва, қолаверса, қайта тикланган ва янги концептуал, лисоний қиймат касб этган луғавий бирликлар, атамалар вужудга келдики, бу уларнинг тадқиқ этилишини долзарб қилиб, тилшунослигимиз, жумладан, унинг лексикология, луғатшунослик соҳалари олдига янги-янги вазифаларни қўйди. Янги лексик бирликлар озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётган миллатимизнинг мақсад ва муддаоларини, орзу-истакларини, хоҳиш-иродасини ифодаловчи маъноларни ўзида акс эттиради. Маънавият тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари улар сирасида алоҳида ўрин тутди.

Мазкур тушунчаларни ифодаловчи атов бирликлари тилимиз захирасида аввалдан мавжуд эди. Бироқ у мафкуравий аҳамият касб этмаган, ягона мақсад сари йўналтирилмаган бўлиб, айрим кишилар гуруҳи ёки ижтимоий табақа мақсад-муддаоларини ўзида ифодалар ва уларнинг лингвистик баҳоси ҳам шунга мувофиқ эди.

Тилнинг тараққиётида айрим сўз бирикмаларининг яхлит маъно англантишга ўтиши, уни ташкил этувчи сўзлар маъноларининг жипслашуви ҳодисаси ҳам юз беради. Натижада лексик лакуналарни тўлдирувчи ва қўшма сўзга айланиб боровчи бирликлар пайдо бўлади ва фаоллашади. Бу жамият ҳаётида юз берувчи воқелик таъсирида ҳам амалга ошади. Бугунги кунда лексикализация ҳодисасининг дастлабки босқичи сифатида бу ҳолат ўзбек тилидаги маънавият тушунчаларини ифодаловчи атов бирликлари сирасида кўплаб учрайди.

Иккинчи боб **“Ўзбек тилида шахс маънавияти тушунчаларини ифодаловчи воситалар”** деб номланган бўлиб, унда ўзбек тилида шахс маънавиятини ифодаловчи лексемалар, иборалар, мақоллар таснифи келтирилган.

Маълумки, ўзбек миллий тафаккурида “маънавият” тушунчаси минг йиллар давомида барқарор тарзда халқ дунёқарашининг таркибий қисми сифатида мустаҳкам ўрин олган. Шунга қарамай, яқин ўтмишимизда унинг расмий лисоний ифодаси мавжуд эмас, ҳатто нутқда ҳам қўлланмас эди. Шу боис ўтган асрда яратилган қомус ва энциклопедик луғатларда унинг моҳиятига тавсиф берувчи талқин ва изоҳларни кўрмаймиз. Жумладан, 1981 йилда нашрдан чиққан 2 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам маънавият лексемаси берилмаган,¹¹ бироқ унга генетик жиҳатдан алоқадор бўлган маънавий лексемасининг изоҳланганлигида бир неча мафкуравий ва гносеологик ҳамда когнитив асослар бор.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий дунёқарашдаги туб ўзгаришлар, инсоннинг ўзини ва борлиқни идрок этиш усулининг янги сифат босқичига кўтарилаётганлиги, миллий маънавият ва меросга муносабатнинг янгича тус

¹¹Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 1- том. – М.: Русский язык, 1981.

олаётганлиги, “миллий ўзлик” тушунчасининг қадрият даражасига кўтарилаётганлиги, тараққиётнинг таянч ҳодисаси ифодаси сифатида англанаётганлиги, маънавият ҳодисасига муносабатни буткул ўзгартиришни тақозо этмоқда. Албатта, жаҳон айвонида муносиб мавқе ва рутбага эга бўлиш фақат техник-технологик ва иқтисодий омиллар билан эмас, балки маънавиятни сақлаш ва ривожлантириш, миллий қадриятларни умуминсоний идеаллар билан мос тараққий эттириш асосидагина содир бўлишини нафақат англаб етиш, балки унга амалий ёндашиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Модомики, маънавият инсониятнинг ажралмас бўлаги экан, инсоният маънавиятсиз мавжуд бўлмас экан, уни луғатларга шунчаки киритмаслик орқали маҳв этиб бўлмайди.

Маънавият ифодаси ўзбек тилининг янги изоҳли луғатларида ўзгача талқинларда, ўзбек миллий психологиясини инобатга олган ҳолда тавсифланмоқда.

| “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” | Маънавият лексемасининг кўлланиши |
|--------------------------------|-----------------------------------|
| 1-жилд | 1 |
| 2-жилд | 13 |
| 3-жилд | 5 |

Бу ҳолат маънавият лексемасининг ўзбек ижтимоий онгида қанчалик фаол ва устувор бўлиб бораётганлигини кўрсатади. Мустақиллик йилларида ушбу тушунчанинг мундарижасида моҳиятан бутунлай янгиланиш содир бўлганлигини кўришимиз мумкин. Узок даврлардан бери сайқалланиб келаётган тушунча қаддини тиклади ва талқин тавсифида кенгайиш юз берди.

Айтилганлар, турли луғат ва бошқа манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай тилда қуйидаги яхлит тушунчаларни “маънавият” категориясининг таркибий қисмлари, таянч маънавий тушунчалар сифатида ажратиш мумкин:

- виждон;
- муҳаббат;
- фаросат;
- фидойилик;
- ахлоқ;
- нафсни тийиш;
- самимият;
- такомиллашув.

Бу унсурларнинг ҳар бири алоҳида микросистемаларни ташкил этиб, ўз ичига юзлаб тушунчаларни олиши мумкин. Масалан, “муносабат” унсури “муҳаббат”, “нафрат” каби ички категорияларига эга. “Муҳаббат” категорияси ўз таркибига “ватанпарварлик”, “миллатсеварлик”, “оилапарварлик”, “тилсеварлик” сингари қатор тушунчаларни олади. Категориянинг ички тармоқланиши қанчалик узайиб борса, унинг моҳияти

шунчалик муайянлашиб бораверади. С.Сулейманова “Ma’rifat” газетасининг 2017 йил 1 март сонидида берилган “Маънавият – инсон қадрининг мезонидир” мавзусидаги мақоласида “Ахлоқ” категориясининг таркиби ҳақида фикр юритар экан, унинг 180 дан ортиқ тушунчадан ташкил топишини айтади. Бу мақола “маънавият” категориясининг ҳар бир унсури таркибини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш лозим.

“Маънавият” категориясининг қайд этилган қатор унсурлари (“ахлоқ” гуруҳининг “салбий хулқ”, “муносабат” гуруҳининг “нафрат”; “маърифат” гуруҳининг “диний бўлмаган маърифат”, “виждон” гуруҳининг “виждонсизлик” ички гуруҳлари бундан мустасно) “эзгулик” умумий семали уядош сўзларга бирлаша олади. Бу инсоний сифатларнинг зидлари эса ўз ўрнида “ёвузлик” тушунчаси остида умумлашади:

- виждонсизлик;
- нафрат;
- фаросатсизлик;
- худбинлик;
- ахлоқсизлик;
- баднафслик;
- ғараз;
- беғамлик.

Маънавий қадриятлар ифодалари асосида, уларнинг ички таркибидан келиб чиқиб, ўзбек адабий тилида қуйидаги лексик бирликлар «маънавият» умумий маъноли бирликлар тизимини ҳосил қилади:

лексемалар: *ақл, ақл-ҳуш, бадфеъл, баркамол, бахил, бефаросат, гуноҳкор, дини барҳақ, дўст, жабр, жафо, зеҳн, золим, зулм, илм, имонсиз, инсоф, ислом, китоб, қабоҳат, қиблагоҳ, мактаб, мақсад, манманлик, маслаҳат, меҳнат, меҳнаткаш, меҳр, меҳрибон, мусулмон, муштипар, наби, назр-ниёз, насиҳат, номус-ор, орийт, ошиқ, панд, пир, расми-қаъда, раҳм, савод, саводхон, салом бермоқ, сахий, сизинмоқ, тиламоқ, ўқимоқ, уста бўлмоқ, шафоат, шаън, шоду хуррам, шумлик, эътиқод.*

Ўзбек адабий тилида маънавий тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликлар катта қисмни ташкил этиб, уларда халқнинг маълум маданий қарашлари ифодаланган. Мустақиллик йилларида маънавий тушунчаларнинг мазмун-мундарижасида анчагина ўсиш содир бўлганлигини, халқ ҳаёти ва дунёқарашининг маънавий юксалиши сезиларли даражада ошганлигини кузатишимиз мумкин. Шу билан боғлиқ ҳолда маънавий тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликлар мазмунида ҳам ўсиш содир бўлиб улар англаган тушунчалар халқимиз онгида чуқур ўрин эгаллай бошлади. Шунингдек, истиклол йилларида бундай тушунчаларнинг лексикографик талқинида ҳам моҳиятан ўзгаришлар кўзга ташланиб, уларнинг тавсифи ва талқинида маънан баркамолликка ундовчи жиҳатлар кенгроқ акс эттирилди.

Халқ дostonлари, эртаклари, кўшиқлари, мақоллари ва бошқа ўнлаб жанрдаги асарлар ёш авлоднинг маънавиятини бойитиш, уни ҳақиқий инсон даражасига етишини таъминлашни мақсад қилган десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кундаги матбуот, ўқув даргоҳлари, маданият марказлари, радио, телевидение, интернет каби таълим, маърифат тизими бўлмаган даврларда бу вазифаларни бажаришда халқ оғзаки ижодининг ўрни беқиёс бўлган. Натижада, халқ оғзаки ижоди халқ педагогикаси заминини ташкил этган. Одатда, халқнинг мустақиллиги, унинг равнақи бадиий адабиёт билан узвий боғланади. Оғзаки ижод эса доимо бадиий адабиётнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Бадиий асарларда мақолларнинг қўлланилишини олимлар турлича талқин қилади. Жумладан, асарнинг ҳиссий таъсирчанлигини, унинг халқчиллигини, шакл ва мазмун мувофиқлигини таъминловчи восита сифатида қаралишини айтиб ўтиш мумкин. Бизнингча, асарларда келтирилган образларнинг маънавий қиёфасини кўрсатишда ҳам мақолларнинг ўзига хос ўрни бор. Масалан, – *Кошки эди теголсам, – деди Тўйбека, — мен унинг бир тукига ҳам арзимайман. Аммо сен бўлсанг, унинг билан тенглашар эдинг. «Тенг-тенги билан, тезак қопи билан». Ха-ха-ха!*¹² Тўйбека томонидан қўлланилган мақол ва ундаги ҳақиқат тўғри, бироқ айнан шу мақолнинг “*Сув сойга оқар, бой бойга боқар*” тарзидаги варианты ҳам бўлиб, бу таркибида қўлланилган сўзлар ҳамда ишора қилиб келаётган ифодасини ёритишда расмийликка, омма олдида ҳам айтишда қулайликка эгаллиги билан ундан кўра қулайроқ. Бу ўринда ёзувчининг маҳорати шундаки, асарда иштирок этаётган қаҳрамоннинг маънавий қиёфасини тасвирлаб ўтирмай, унга сўзлашув услубига хос, хос бўлганда ҳам қўлланилиши доираси торроқ бўлган мақолни айттириб қўя қолади. Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романида мақолларни шу қадар нозик қўллаганки, буни “Ота-она орзуси” бўлимида Юсуфбек Ҳожи ва Ўзбек оймларнинг Отабекни Зайнабга уйлантириш масаласида кечган суҳбатида кузатишимиз мумкин. – *Билган топиб сўзлар, билмаган қопиб, деганларидек, онангнинг айтмакчи бўлган сўзи фақат шу эди. Бояги гаплари бўлса ўз ҳаққини ҳимоя йўлида унинг пўписаларигина бўлиб, мендан ҳам кўра онангнинг феълени ўзинг яхши биласан...* Бу ўринда қўлланилган “*Билган топиб сўзлар, билмаган қопиб*”ида маънавияти юксак ҳам маънавий қиёфаси паст бўлган шахснинг муҳим белгиси, бировга маъқул келадиган ва гўзал услубда гапириш ва унинг акси бўлгандаги жоҳилларга хос равишда дилга озор бериб, ранжитиб муомала қилиш қандай маънавиятли шахсларга тегишли эканлиги Юсуфбек Ҳожи тилида айтилмоқда. Юқорида Тўйбеканинг қўллаган мақолида шахс маънавиятини ифодаловчи тушунча йўқ эди, бироқ ўша мақолни қўллаш орқали уни қўлловчи шахс маънавияти очиб берилган бўлса, қуйида Юсуфбек Ҳожи томонидан қўлланилган мақолда бевосита шахс маънавиятини ифодаловчи тушунча сифатида инсонлар билан гўзал муомала қилиш ҳамда уни қўлловчи шахснинг маънавий қиёфасини ифодалаб келиш яққол сезилиб турганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Тил ва маънавият муштарак тушунчалар бўлиб, инсонларнинг маънавий қиёфаси, халқнинг маънавий портрети тилда акс этади. Шу боис тил ва маънавият муштараклиги борасида бир қанча олимлар, давлат арбоблари,

¹² Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – Б.16.

файласуфлар ўз фикрларини баён этган. Хусусан, А.Қодиров бу борадаги фикрларини қисқача қилиб шундай ифодалайди: “Тил – миллий кадриятларни бирлаштириб, туташтириб, намоён этиб турувчи энг мустақкам занжир, бой ва чексиз маънавий хазина”.¹³

Ўзбек тилида фраземалар шахс маънавиятини шакллантиришда, ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг исботи сифатида шуни келтиришимиз мумкинки, ахлоқий сифатлардан бўлган “бир сўзлилик”, “ваъдага вафо қилиш”, “мардлик” каби маънавий фазилатларни шакллантиришда “гап битта”, “ўғил бола”, “бир сўзли”, “гапида турмоқ” каби ибораларнинг ифода имкониятлари, таъсирчанлиги, юқумлилиги муҳим аҳамият касб этади. Шахсдаги “аҳиллик”, “бирдамлик”, “сўзбирчилик” каби эзгу фазилатларни шакллантиришда, янада ривожлантиришда “бир ёқадан бош чиқармоқ”, “бир жон-у бир тан бўлмоқ” каби фраземалар алоҳида аҳамиятга молик бўлса, инсон фитратидаги “меҳрибонлик”, “меҳр-оқибат”, “яхшилик қилиш” каби гўзал ахлоқий сифатларни янада барқ уришида, уларга бўлган рағбатни ривожланишида “бошини силамоқ”, “дардига дармон бўлмоқ”, “пешанасини силамоқ” сингари барқарор бирикмалар ифода имкониятлари билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, “енг шимариб”, “бел боғламоқ”, “жонини жабборга бермоқ”, “жони борича”, “жон кўйдирмоқ” каби иборалар шахс маънавиятидаги “астойдиллик”, “чин кўнгилдан меҳнат қилиш” сингари гўзал фазилатларни ривожлантиради, десак, нотўғри бўлмайди. Шулар қаторида “ёз бор, қиш бор”, “борига барака”, “ноумид шайтон”, “бирида бўлмаса, бирида”, “беш кунлик дунё”, “хом сут эмган”, “бир кам дунё” сингари фраземалар “шукрона қилиш”, “умидсизликка тушмаслик”, “тақдирга рози бўлиш” каби ахлоқий сифатларни шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади. Шулар сирасига “бошига кўтармоқ”, “етти ўлчаб, бир кесмоқ”, “игна билан кудук қазимоқ”, “оқ-қорани ажратмоқ”, “ном қолдирмоқ”, “бир гапдан қолмоқ”, “бош кўшмоқ”, “гапига кирмоқ”, “бирор жойи камайиб қолардими”, “бошингга қилич келса ҳам”, “имкон бермоқ”, “ақли кирди”, “ақлини танимоқ”, “баҳам кўрмоқ” каби фраземалар ҳам инсон маънавиятидаги эзгу хислатларни, фазилатларни ривож топишига, ўзбек халқининг маънавиятини ифода этишга хизмат қилади. Таъкидлашимиз керакки, ўзбек тилидаги иборалар нафақат ахлоқий тушунчаларни ривожлантиришга рағбат беради, инсон табиатидаги иллатлардан ҳазар қилишга ундайди. Ўзбек тилининг контекстида бундай иборалардан кенг фойдаланилади.

Ўзбек адабий тилида маънавий тушунчаларни ифодаловчи лексик birlikлар катта қисмни ташкил этиб, уларда халқнинг маълум маданий қарашлари ифодаланган. Мустақиллик йилларида маънавий тушунчаларнинг мазмун-мундарижасида анчагина ўсиш содир бўлганлигини, халқ ҳаёти ва дунёқарашининг маънавий юксалиши сезиларли даражада ошганлигини кузатишимиз мумкин. Бироқ лексикографик талқинларда “маънавият” семемаси ва унга дахлдор семаларни тавсифлаш масаласида муаммолар

¹³ <https://xs.uz/uz/post/til-millat-manaviyatining-muqaddas-timsoli>

мавжуд бўлиб, уларнинг лингвистик, лексикографик мезонларини ишлаб чиқиш, лексикографик тавсифларнинг мукамаллаштирилиши асосида уларни маънавий тарбиянинг тўлақонли базасига айлантириш зарурати кучайиб бормоқда. Зеро, таълим тизимида маънавият ифодаларига алоҳида урғу берилмаганлигининг замирида ҳам тегишли лингвистик базанинг шаклланмаганлиги ётади.

Мақолларни қиёсий, социолингвистик, соципрагматик, лингво-культурологик ҳамда лингвомаънавиятшунослик жиҳатдан тадқиқ этилиши, мақолларни лингвомаънавиятшунослик нуқтаи назаридан таснифлаш, уларни алифбо тартибида энциклопедик шаклда тақдим этиш орқали кўплаб назарий ва амалий муаммоларга ечим топилиши мумкин. Тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатида янада мукамалроқ тадқиқ қилиниши учун амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни аниқлаштириб беришга хизмат қилади, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбек тили имкониятлари жуда бой, ундаги иборалар инсон маънавияти, маънавий-ахлоқий тушунчалари, ҳаётий тутумларининг шаклланишида, ривож топишида муҳим аҳамиятга молик. Негаки, ташбеҳ, жонлантириш, сифатлаш, бўрттириш, кучайтириш, муболаға, киноя каби турли ифода имкониятлари натижасида инсон тафаккурида маънавий тушунчаларга бўлган рағбатни ўстириш, тубан, жирканч иллатларга бўлган нафратни оширишга хизмат қилмади. Бу эса маънавий комил инсон тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Шу боис, тил таълимида, тилшунослик илмида ибораларнинг ифода имкониятлари монографик планда тадқиқ этилса, ўзбек тилининг имкониятлари янада очилиб, жозибадорлиги илмий жиҳатдан яна ўз исботини топади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбек тилида шахс маънавиятини ифодаловчи бирликлари тизими, структур ва генетик хусусиятлари”** деб аталган. Ушбу боб “Ўзбек тилини “тил ва маънавият муштараклиги” тамойили асосида тадқиқ қилиш зарурати”, “Ўзбек тилида “маънавият” лисоний категорияси ва унинг таркиби”, “Ўзбек тилида шахс маънавиятини ифодаловчи бирликларининг генетик ва структур хусусиятлари” каби бўлимлар орқали очиб ебрилган.

Маънавиятнинг моҳиятини кўп файласуфлар илоҳий деб билдилар. Маънавият ҳодисотини эса онгнинг тўлиқ тушунтириб бериш мумкин бўлмаган сирли жиҳатлари, инсоннинг руҳий кучи, ундаги туғма диёнат, виждон, иймон, Худо инсоннинг кўнглига солган ижтимоий ва ижодий мойиллик, интилиш, деб талқин қилдилар. Бошқача қилиб айтганда, маънавият инсонга ато этилган иймон-эътиқод ва ўлчаб берилган ақлий, ишқий, умуман, инсоний имкониятдир. Бу қарашларда маънавият илоҳий ва табиийликдан устун ҳодиса сифатида тушунтирилади. Масалан, “Маънавият ва кадрият аслида илоҳий бўлиб, оила, авлодлар, маҳалла, миллат, давлат ва давр кадриятлари ва маънавиятлари орқали баён қилинади”.¹⁴

¹⁴ Ф. Зикриллаев. Маънавият – ақл-идрок маҳсули.- “Ишонч” газетаси, 1995 й., 28 июнь.

М.Имомназаров эса уни “илоҳий нур” деб ҳисоблайди ва тушунчанинг мазмунини очишга интирмайди. “Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур. Олий ҳақиқат нури бўлиб, шу сабабдан буюк бобокалонларимиз инсон қалбини “Ҳақиқат асрорининг ганжинаси”, деб атаганлар. Ҳақ асрори эса шундай сеҳрли тилсимки, уни тугал ечишга аҳли башар қудрати етмайди”.¹⁵

А.Эркаев шундай фикрларни келтириб ўтади: “Илоҳий ҳодисалар, шу жумладан, “олий ҳақиқат нури” абадул абад ўзгаришсиз, мутлақ бўлади, фақат уларни тушуниш, идрок этишгина ўзгариши мумкин. Маънавият ҳақида гапирганда эса, биз унинг юксалиши, айрим умуминсоний қадриятлардан ташқари бошқа аксарият қадриятларнинг янгилалиши ёки аксинча таназзули, қашшоқланишини, яъни ўзгаришини, нисбийлигини таъкидлаймиз.

“Маънавият” системасининг моҳияти унинг таркибий қисмларини аниқлаш ҳамда уларнинг системавий муносабатларини аниқлаштириш йўли билан очилади. Хусусан, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”даги тавсиф асосида “маънавият” системасини ташкил этувчи унсурлар сифатида тахминан қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- ахлоқ;
- виждон;
- эътиқод;
- маърифат;
- муносабат;
- шахсий такомиллашув”¹⁶.

Ахлоқ, виждон, эътиқод, маърифат, муносабат, шахсий такомиллашув атов бирликлари гуруҳи ўз ичида яна ички гуруҳларга ҳам бўлиниб кетадики, бу тил тизимининг узвийлиги ва изчиллиги тамойили асосида кечишидан далолат беради. “Маънавият” системасини ташкил этувчи бу бирликларнинг семантик муносабатлари бир-биридан бутунлай узилган ҳодиса эмас. Маънавиятнинг мазмунини энг муҳим хусусиятларини эътиқод белгилайди.

Тўғрилик, ҳалоллик, тиришқоқлик, тежамкорлик, меҳнатсеварлик, шахсий ибрат каби гўзал фазилатлар-у хусусиятларга эга бўлиш, уларга доимо амал қилиб яшаш – комил инсоннинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезонлар саналади. Бугунги тезкор замонда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина ўз миллий қадриятларини юксалтириш орқали ўзлигини теран англаши, эркин ва озод Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик кўрсата олиши мумкин. Мамлакатимизда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил қилади. Айнан шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли бу ёруғ оламда маънавият ҳамиша барқарор бўлиб келмоқда. Инсоният тарихи маънавиятсиз кишида ҳеч қачон одамийлик, меҳр-оқибат сингари фазилатлар бўлмаслигини тасдиқлайди. Маънавиятни тушуниш, англаш учун, аввало,

¹⁵ М.Имомназаров, Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент, 1996. – Б.6.

¹⁶ Менглиев Б. Тараққиёт ва маънавият // “Маърифат” газетаси, 2018 йил, 8 январь.

инсонни тушуниш, англаш керак. Маънавият инсоннинг онг-у шуурига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўгити, Ватан туйғуси, ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшилиқни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат-у ва гўзалликларидан баҳраманд бўлиш маънавиятга руҳий озуқа беради, уни янада кучайтиради.

Ўзбек тилидаги “маънавият” категориясининг моҳиятини очиш унинг шаклланишига асос бўлган концептосферасини ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида амалга оширилади. “Маънавият” ўзбек ижтимоий онгида мустаҳкам концептуал моҳиятга эга. Оламнинг ўзбек лисоний тасвирида “маънавият” концептининг шаклланишига асос бўлган ҳодисаларни маънавий асослар сифатида баҳолаш мумкин. Бироқ “маънавий асослар” тушунчаси “маънавият” тушунчасига нисбатан анча кенг қамровлилиги билан характерланади. Чунки “маънавият” концепти “маънавий асослар” концептосферасининг мағзи бўлиб, уларнинг умумлашмасидан иборат. Бироқ бу умумлашмани шунчаки арифметик йиғинди эмас, балки синтез асосида шакллантирилган моҳият сифатида қараш мумкин. “Маънавий асослар” “маънавият”дан ташқари, мафкуравий муносабатларни, маънавий-мафкуравий вазифаларни бажарувчи ижтимоий муассасаларни ҳам, кенг маънодаги маънавият ҳаётни ҳам қамраб олади. Миллат тараққиётининг маънавий асослари деганда маънавиятнинг ривожланишига таъсир қиладиган моддий ишлаб чиқаришдан ташқари барча асосий омиллар назарда тутилади, маълум бир давлатнинг маънавий тарбия жараёнини амалга оширадиган таълим-тарбия, маданият, мафкура ва тарғибот-ташвиқот соҳаларида олиб бораётган сиёсатидан иборат бутун бошли яхлит структура назарда тутилади¹⁷.

Лингвомаънавиятшунослик тадқиқотларида, соф лингвистик тадқиқ усулларида ташқари, культурологик ва социологик методлар – концепт таҳлили, фреймал, нарратив анализ, тасниф ва тавсиф, лингвистик реконструкция усуллари, маънонинг макрокомпонент ва микрокомпонент модели, психосоциокультурологик экспериментлар, матнларнинг лингвомаънавий таҳлили – герменевтик метод кабилар қўйилган муаммоларнинг самарали ечими учун муҳим воситалар бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчи боб **“Ўзбек тилидаги шахс маънавиятини ифодаловчи воситаларнинг лексикографик талқини муаммолари”** номи билан аталган бўлиб, “Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида шахс маънавияти тушунчаларини ифодаловчи бирликларининг тавсифланиши”, “Шахс маънавияти тушунчаларини ифодаловчи бирликларнинг лингвокультурологик луғатларда бериш масалалари”, ““Маънавият” лингвомаданиятшунослик луғати ва унда концептуал лексикография” каби қисмларга бўлиб тадқиқ қилинган.

Истиклол натижаси ўлароқ, ўзбек миллий лексикографияси ўз тараққиётининг янги пиллапоясига кўтарилди. Тилимизнинг изоҳли

¹⁷Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. Республика маънавият ва маърифат кенгаши, Маънавият ва мафкура илмий-амалий маркази. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 480 б. – Б. 177.

луғатларини такомиллаштириш, янги луғатларни тартиб бериш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, 5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ўзбек лексикографиясида улкан воқелик десак, муболаға бўлмайди.¹⁸ Бу икки ҳолат билан белгиланади:

